

Вазирлар Маҳкамасининг 2016йил 2 майдаги 132-сон қарори билан “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар тўлими муассасаларида соғлом овқатланишни ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асоан тайёрланадиган таомларни тайёрлашдаги танлов иштирокчиларига қуйидаги талаблар қўйилади:

1. Мактабда ОД, 2Д, 15Д-столлар буйича тайёрланиши керак бўлган иссиқ овқат буйича маълумот бўлиши ҳамда каллорияси 2400-2800 ккал/каль оралигида бўлиши ҳисобга олинади. Озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлаш учун тузилган меню ҳудудий ҳокимлик органлари томонидан белгиланган нархлари буйича ҳисоб-китоб қилиниши шарт;
2. Танловда қатнашувчи корхона гувоҳномаси ва низомида озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш, қайта ишлаш ва сотиш ҳамда аутсорсинг хизмати буйича ошхона хизматини ташкил этиш алоҳида кўрсатилган бўлиши керак;
3. Давоғар аутсорсинг хизмати шу йуналишда ўқувчилар учун иссиқ овқат етказиб бериш фаолиятини олиб борганлиги ҳамда тажрибага эга бўлиши.
4. Малакали ходимлари бўлиши шарт. Ошпазлар ҳақида (диплом, разряд, сертификат, тиббий кўригидан ўтганлиги, ташкилотда ишлаётганлиги тўғрисида буйруқдан кўчирма) маълумот.
5. 2021-2022 йил куз-киш мавсуми захира режаси асосида озиқ-овқат захираси мавжудлиги тўғрисида тасдиқланган маълумотнома. (картошка 4000 кг, сабзи 1000 кг, пилёз 500 кг, гуруч 500 кг, қарам 700 кг ва бошқа маҳсулотлари).
6. Хизмат кўрсатиш моддий техника базаси Низом талаби даражасида етарли бўлишлиги, ажратилган 1 ойлик смета маблағлари доирасида банкдаги ҳисоб варағида пул маблағига эгаллиги тўғрисида маълумотнома.
7. Ойлик меню намунасини тақдим қилишлиги. Менюлар Молия Вазирлиги томонидан тасдиқланган техномешо дастури орқали тузилган бўлишлиги шарт;
8. Танлов иштирокчисининг озиқ-овқат оғбори, озиқ-овқат захираси мавжудлиги, хизмат кўрсатиш жараёнида жорий таъмирлаш ишларини амалга оширилиши буйича маълумотнома.
9. Худудий солиқ инспекциясидан тасдиқланган қарзи мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома;
10. Жамиятнинг биржа маълумотлар баъзасида инсофсиз ижрочилар ягона руйхатида эмаслиги тўғрисида маълумотнома.

Озиқ-овқат ва ярим тайёр маҳсулот ишлаб чиқариши мавжудлиги ҳамда инвестиция киритиш ҳолатлари иштирокчига Ўзб.Рес.ВМнинг 2020 йил 10 январдаги 16 сонли қарори талаблари бажарилиши буйича устунлик ҳуқуқини беради. Танлов талабгори тақдим этилаётган маълумот ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгар бўлади.

Танловда иштирокчилар томонидан энг паст нарх тақдим қилинишида юқорида кўрсатиб ўтилган талабларнинг мавжудлиги инобатга олинади. Юқоридаги талаблар бажарилмаган тақдирда паст нархда хизмат кўрсатиш, иштирокчиларга ғолиб деб баҳолаш имкониятини бермайди. Конкурс иштирокчисини 1-10 гача бўлган балл куйиб баҳоланади.

Юқори балл тўплаган давоғар танлов ғолиби ҳисобланади.

Изоҳ: Лозим топилганда комиссия иштирокчилари томонидан танлов иштирокчиларини молиявий ҳолатини ва иш фаолиятини ўрганиб чиқилади.

КУК раиси:



Х.Киргизов

Бош ҳисобчи:



Т.Исаков

Бош ҳамшира:



Л.Жураева